# ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ УСТАВИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

риш-турмаслиги тўғрисида қарор қабул қилинади. Шунингдек, партия аъзосининг партия сафларидан ихтиёрий равишда чиқиш тўғрисидаги аризаси бошланғич партия ташкилотида кўриб чиқилганидан кейин унинг партияга аъзолиги тўхтатилади.

Коммунистларнинг партия сафларидан чиқарилиши ёки ихтиёрий равишда чиқиши муносабати билан унинг партия аъзолиги тўхтатилиши тўғрисидаги қарор бошланғич партия ташкилотининг йиғилиши томонидан қабул қилинади ва муайян ташкилот ҳисобида турган коммунистларнинг ярмидан кўпроғи шу қарорни ёқлаб овоз берган тақдирда ҳақиқий деб ҳисобланади, ўз аризаси асосида саломатлиги ёмонлашгани ёки ёши ўтиб қолгани сабабли партия ташкилотидаги мунтазам ишдан озод қилинган ва шу муносабат билан партия йиғилишида қатнашмаётган коммунистлар бундан мустаснодир.

**ИЗОҲ:** Шу масалалар юзасидан ваколатли партия йиғилишини ўтказиш имконияти бўлмаган тақдирда, мазкур масалалар тегишли район, шаҳар партия комитетининг бюроси томонидан кўриб чиқилиши лозим.

Партиядан чиқарилган ёки жазо олган шахс район, шаҳар партия ташкилоти назорат комиссиясидан тортиб, партия назорат органларигача шикоят аризаси беришга ҳақлидир. Шикоят аризаси тегишли органга тушган кундан бошлаб кўпи билан икки ой муддатда кўриб чиқилади.

## III. Партия ички демократияси

12. Ўзбекистон Коммунистик партияси ғоявий муштараклик ва партиявий ўртоқлик, демократик централизм қоидалари асосида яшайди ва ишлайди, бу қоидалар:

— умуман жумҳурият Компартияси, унинг барча бўғинлари ва ҳар бир коммунистнинг манфаатлари муштараклигини;

— ўзини ўзи бошқаришни ва партиялилар оммасининг ҳокимиятини;

— партиянинг барча раҳбар, ижроия ва назорат органларини аксарият ҳолларда муқобиллик асосида яширин овоз бериш йўли билан сайлаб қўйишни;

— партия органлари ва уларнинг аъзолари ўзларини сайлаб қўйган ташкилотларда ҳисобот беришини;

— ишда ошкоралик, рўй-ростлик ва баҳамжиҳатликни, ҳар бир коммунистнинг ўз фаолияти учун шахсий масъулиятини;

— фикрларни бемалол изҳор этишни, турли қарашлар ва ҳаракат дастурларини таққослашни, ошкора танқид ва ўз-ўзини танқидни;

— онгли партиявий интизомни, биргалашиб ишлаб чиқилган сиёсатнинг, кўпчилик томонидан қабул этилган қарорларнинг ҳамжиҳатлик билан амалга оширилишини;

— партия юқори раҳбар органлари қарорларини бажариш қуйи органлар учун, раҳбар партия органлари қарорларини бажариш ижроия ва назорат органлари учун, бошланғич партия ташкилотлари қарорларини бажариш унинг ҳисобида турган коммунистлар учун мажбурийлигини таъминлайди.

Айрим ташкилотларда, умуман Компартия доирасида жамоат ва партия турмушининг долзарб масалалари юзасидан мунозара ва референдумлар ўтказилиши мумкин. Бу мунозара ва референдумлар Компартия съездларининг, партия конференцияларининг, партия комитетлари пленумларининг ташаббуси билан, шунингдек тегишли ташкилот аъзоларининг камида учдан бирини бирлаштирувчи партия ташкилотларининг талабига биноан ўтказилади. Шунингдек, Ўзбекистон Компартиясида умумпартия референдумлари уч ёки ундан кўпроқ вилоят партия ташкилотининг талабига биноан ўтказилади.

13. Ўзбекистон Коммунистик партиясининг бошланғич ташкилотларидан тортиб барча ташкилотлари КПСС ва жумҳурият Компартияси сиёсатини ишлаб чиқишда қатнашадилар. Улар ўзларининг ички турмуши ва фаолиятини белгилашда мустақилдирлар. Партия ташкилотлари ва уларнинг сайлаб қўйилган органлари партиянинг дастурий мақсадларига зид келмайдиган ва Ўзбекистон Компартияси Уставига кўра белгиланган ваколатлар доирасида қабул қилган қарорлар юқори органлар томонидан бекор қилиниши мумкин эмас, шахсий ишларга оид қарорлар бундан мустаснодир.

Юқори партия органи қуйи партия ташкилоти қабул этган қарорга қўшилмаслигини далил-исботлар билан изҳор этишга ҳамда низоли масалани ҳал қилиш учун бошланғич партия ташкилотларига, бевосита коммунистларга мурожаат этишга, навбатдан ташқари партия конференциясини, йиғилишини чақиришга ёки референдум ўтказишга ҳақлидир. Бундай ҳолларда қарорнинг бажарилиши уни қайта кўриб чиққунга қадар тўхтатиб турилади.

14. Партия ташкилотлари ва партия органларининг иши баҳамжиҳатлик ва шахсий масъулият негизида қурилади, нохолислик ва якка ҳокимликка йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Компартиясида умумий йиғилиш, конференция, съезд раҳбар органлар ҳисобланади. Уларда партия ташкилоти аъзоларининг ёки сайланган делегатларнинг ярмидан кўпроғи, ҳисобот ва сайловлар чоғида эса камида учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда улар ваколатли ҳисобланади (саломатлиги ёмонлашгани ёки ёши ўтганлиги сабабли аризасига мувофиқ мунтазам ишдан озод этилган ва шу муносабат билан партия йиғилишида қатнашмаётган кишилар бундан мустаснодир). Раҳбар партия органлари ижроия органлар (бюро, комитет)ни ва назорат органлари (назорат комиссияси)ни сайлайдилар.

Ижроия органлари тегишли партия ташкилотларининг манфаатларини ифодалайдилар, уларнинг қарорлари ижросини таъминлайдилар ва ўзларига ҳисобот берадилар ёки партия структурасининг ўзларига нисбатан қуйи бўғинларининг кундалик фаолиятига съезд, конференция, партия йиғилиши қарорига мувофиқ ўзларига берилган ваколатлар доирасида раҳбарлик қиладилар.

Партия органлари ишнинг асосий йўналишлари бўйича доимий ёки муваққат комиссияларни ва ишчи гуруҳларни тузишлари мумкин. Шунингдек улар коммунистларни ва бошқа фуқароларни шу органлар фаолиятида иштирок эттиришнинг бошқа шаклларидан фойдаланадилар.

Комиссияларнинг таркибига шу органларнинг аъзолари билан бир қаторда бошқа коммунистлар ҳам маслаҳатчи ёки кенгашчилар тариқасида сайланиши ёхуд вакил қилиб юборилиши мумкин. Ижроия органларидаги комиссия ва ишчи гуруҳларнинг фаолиятини партия комитетининг бюроси, назорат органларида назорат комиссиясининг раёсати мувофиқлаштириб туради.

15. Партия ташкилотлари, унинг сайлаб қўйилган органлари ошкора ишлайдилар, партия қарорларига мувофиқ партия йиғилишлари, конференциялари, съездлари, ижроия ва назорат органларининг мажлислари очиқ ўтказилишини, уларда партия матбуоти вакилларининг қатнашишини, ҳужжатларнинг лойиҳалари, стенограммалар, қабул этилган қарорлар ва бошқа материаллар матбуотда эълон қилинишини таъминлайдилар. Партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари коммунистларни ва юқори партия идораларини ўз фаолиятидан мунтазам равишда хабардор қилиб турадилар. Коммунист ўз партия ташкилотининг партия бюроси ёки парткоми мажлисида ҳозир бўлишга ҳақлидир. Сайлаб қўйилган партия органининг аъзолари ўзларига ҳисоб берувчи органларнинг мажлисларида бемалол қатнаша оладилар, шунингдек партия органи ва унинг аппарати ихтиёридаги ҳужжатлардан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Партия ички турмуши масалаларини муҳокама қилиш чоғида зарур ҳолларда ёпиқ партия йиғилишлари, партиянинг раҳбар, ижроия ва назорат органларининг ёпиқ мажлислари ўтказилиши мумкин.

16. Ўзбекистон Компартиясида раҳбар, ижроия ва назорат органлари сайлаб қўйилади. Улар яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Конференция ва съездларга делегатлар сайлаш тартиби тегишли партия комитети томонидан бошланғич, маҳаллий партия ташкилотларининг қарорларини эътиборга олиб белгиланади. Партия комитетларини ва назорат органларини сайлаш тартиби шу комитет ва органларни ташкил этадиган съездлар ва конференцияларнинг делегатлари томонидан белгиланади.

Район, шаҳар, вилоят, Қорақалпоғистон жумҳурият конференцияларига, Ўзбекистон Компартиясининг умумжумҳурият конференциясига ва съездига делегатлар, сайлаб қўйиладиган тегишли партия органларининг аъзолари албатта бошланғич партия ташкилотлари томонидан номзодлар кўрсатиш йўли билан сайланади.

Партия аъзолари сайлов пайтида чекланмаган тарзда номзодлар кўрсатиш ва уларни далил-исботлар билан рад этиш, шу жумладан ўз номзодини ҳам кўрсатиш ва рад этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Партия комитетлари ва назорат комиссияларининг, уларга ҳисоб берувчи органлар (бюро, котибият, раёсат)нинг таркибини сайлаш пайтида бошланғич партия ташкилотлари ҳам, шунингдек раҳбар, ижроия ва назорат партия органлари ҳам номзодлар юзасидан таклифлар киритиш ҳуқуқига эгадирлар. Тушган таклифларнинг ҳаммаси шу органларни ташкил этадиган йиғилишда, конференцияда, съездда, партия комитетининг (назорат комиссияси) пленумида албатта кўриб чиқилиши лозим.

Овоз бериш учун рўйхатга исталганча номзод киритилади. Йиғилишда, конференцияда, съездда, партия комитетининг, назорат комиссиясининг пленумида овоз беришда қатнашган партия аъзолари овозларининг ярмидан кўпроғини олган номзодлар сайланган деб ҳисобланади.

Партия комитетлари, назорат комиссиялари бевосита қуйи ташкилотлардан вакиллар юбориш йўли билан ҳам сайланиши мумкин, бу ташкилотлар ўз вакилини чақириб олиш ҳуқуқига эгадирлар. Зарур ҳолларда партия комитетларининг ва назорат комиссияларининг аъзоларини сайлаш вақтида қуйи партия ташкилотларининг мутаносиб вакиллигини таъминлаш учун уларнинг ҳиссалари белгиланиши мумкин.

17. Райком ва ундан юқори поғонадаги сайлаб қўйиладиган партия органларининг аъзолари шу лавозимнинг ўзига узоғи билан кетма-кет икки муддатга сайланиши мумкин. Партия аъзоси Ўзбекистон Компартиясининг сайлаб қўйиладиган органларидан кўпи билан иккитасига аъзо бўлиши мумкин. Фавқулодда ҳолларда, айрим партия ташкилотларидан вакил бўлиши лозимлиги мақсадга мувофиқлигини ҳисобга олиб, уларнинг аъзоларини айни бир вақтда Ўзбекистон Компартиясининг сайлаб қўйиладиган учта органи таркибига сайлаш мумкин.

Ижроия ва назорат органларининг таркиби уларнинг ваколат муддати тугашидан аввал янгиланиши ёки тўлатўкис қайтадан сайланиши мумкин. Масала тегишли ташкилот аъзоларининг камида учдан бир қисмини бирлаштирувчи партия ташкилотларининг талабига мувофиқ, ёхуд сайлаб қўйилган органнинг айрим ёки барча аъзоларининг ихтиёрий истеъфо бериш тўғрисидаги аризасига биноан кўриб чиқилади.

Партия комитети ёки назорат комиссияси айрим аъзоларининг ваколатлари муддатидан аввал тўхтатилган тақдирда уларнинг ўрнига қуйи партия ташкилотлари томонидан бевосита вакил юбориш ёки бу ташкилотларнинг тавсияси асосида бевосита пленумнинг ўзида тўлдириш йўли билан қўшимча равишда янги аъзолар сайланиши мумкин.

Барча поғоналардаги партия комитетларининг котиблари, назорат комиссияларининг раислари улар тегишли йиғилишларда, конференциялар ва съездларда шу органларнинг аъзолари этиб сайланган пайтнинг ўзида ёки конференция, съезд томонидан берилган ваколатларга биноан партия комитетлари ва назорат комиссияларининг пленумларида сайланадилар. Улар тегишли партия комитетига ёки назорат комиссиясига ҳисоб бериб турадилар, партия аппарати ташкилотидан бўлак ҳар қандай партия ташкилотининг ҳисобида турадилар.

Марказий Комитет, Қорақалпоғистон жумҳурият, вилоят партия комитетлари ўзларига нисбатан қуйи партия комитетларининг котибларини тавсия этиш ва чақириб олишни талаб қилиш, мазкур масалалар хусусида ихтилоф бўлган тақдирда эса тегишли партия ташкилотининг навбатдан ташқари конференциясини чақириш ёки бу ташкилотда референдум ўтказиш ҳуқуқига эгадирлар.

18. Партия комитетлари ва назорат комиссиялари ўзларини тузган партия ташкилотларига ҳисоб бериб турадилар. Сайлаб қўйилган органнинг ҳар бир аъзоси ўз иши ҳақида уни сайлаган ёки тавсия қилган партия ташкилотлари олдида ҳисобот беради.

19. Қарорларни ишлаб чиқиш пайтида партия ташкилотлари ва уларнинг органлари ҳамма нуқтаи назарларни кўриб чиқишга мажбурдирлар. Кўпчилик қабул этган қарор барча учун мажбурийдир. Озчилик ўз нуқтаи назарини партия йиғилишларида, конференцияларида, съездларида, ижроия ва назорат органларининг мажлисларида, партия оммавий ахборот воситаларида ҳимоя қилиш, қўшимча маърузалар билан чиқиш, ўз фикрини протоколларда қайд эттириш, баҳсли масалаларнинг ўз ташкилотида ёки юқори органларда қайта кўриб чиқилишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

Партия комитетларида ва назорат комиссияларида, уларнинг бюроларида, раёсатларида ихтилоф чиққан тақдирда қарор лойиҳаси такрорий муҳокама қилинади ва кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Съездлар, конференциялар, йиғилишларнинг қарорлари партия ташкилотлари учун мажбурийдир. Комитетлар ва бюроларнинг қарорлари тайёрланаётган пайтда қайси партия ташкилотига тааллуқли бўлса ўша ташкилотда муҳокама қилинади ва қабул этилгандан кейин ижро учун мажбурий бўлади.

20. Партиянинг сайлаб қўйиладиган органлари ўз ваколатлари даврида ўзига бўйсунадиган ишчи аппаратини тузади. Бу аппарат улар фаолиятида асосан ахборотларни тўплаш ва таҳлил қилиш, социологик тадқиқотлар ўтказиш ва маслаҳатлар бериш хизматини ўтайди, аммо сайлаб қўйиладиган органни четлаб ўтиб буйруқ тусидаги йўл-йўриқлар ва тавсиялар бериши мумкин эмас. Партия аппарати бошланғич ва маҳаллий партия ташкилотларининг тавсиясига мувофиқ тузилади. Партия аппаратининг ходимларига меҳнат қонунлари жорий этилади.

21. Ўзбекистон Компартиясининг ташкилотлари ва комитетлари ўз маблағларига ёки бошқа ташкилотлар билан биргаликда газета ва журналлар, бюллетенлар, ташвиқот, маълумот-ахборот ва бошқа материалларни нашр қилиш, тегишли таҳририятларни тузиш, телекўрсатув ва радиоэшиттириш студияларини ташкил қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Партиянинг оммавий ахборот воситалари партия ташкилотлари ва комитетларининг органларидир, уларнинг раҳбарлари тегишли партия йиғилишида, конференциясида, съездида, партия комитетининг пленумида сайланади, Ўзбекистон Компартиясининг марказий ахборот воситалари Қорақалпоғистон жумҳурият ва вилоят партия ташкилотлари раҳбар, ижроия ҳамда назорат органларининг талабига биноан баёнот ва мурожаатномаларни, маҳаллий партия матбуоти эса шаҳар, район ва бошланғич партия ташкилотларининг ҳужжатларини эълон қилишга мажбурдирлар.

## IV. Ўзбекистон Коммунистик партиясининг ташкилий тузилиши

22. Ўзбекистон Коммунистик партияси ҳудудий-ишлаб чиқариш белгисига қараб тузилади. Бошланғич партия ташкилотлари унинг негизини ташкил этади, бу ташкилотлар коммунистлар ишлайдиган ёки яшайдиган жойда тузилади ҳамда ҳудуд бўйича партиянинг таянч бўғинига — район, шаҳар, сўнгра эса Қорақалпоғистон жумҳурият, вилоят партия ташкилотларига бирлашади. Ўзбекистон ССЖ шароитида ишлайдиган Тошкент шаҳар партия ташкилоти вилоят ташкилоти мақомига эга бўлади ҳамда ўз масалаларини бевосита Ўзбекистон Компартиясининг юқори ва марказий органлари орқали ҳал қилади.

Ўзбекистон Компартиясининг ташкилотлари ва комитетлари жумҳурият ҳудудида жойлашган қуролли кучларнинг партия ташкилотлари билан алоқа ўрнатадилар ва улар билан ҳамжиҳат ишлайдилар.

Қуролли кучларнинг коммунистлари Ўзбекистон Компартияси ва унинг ташкилотларининг сайлаб қўйиладиган органлари таркибига сайлашлари ва сайланишлари мумкин. Район, шаҳар, вилоят, жумҳурият партия конференциялари ва Ўзбекистон Компартияси съездига делегатлар жумҳурият Компартиясининг тегишли комитетлари белгилаган ваколат нормалари асосида қўшин қисмлари ва бирлашмаларининг партия йиғилишлари ва конференцияларида сайланадилар.

Коммунистларнинг ёки партия раҳбар ва ижроия органларининг ташаббуси билан партия ташкилотлари котибларининг кенгашлари, партия клублари, назарий семинарлар, сиёсий марказлар, кекса партия аъзоларининг кенгашлари ҳамда коммунистларни қизиқтирадиган масалалар ва муаммолар бўйича уларнинг бошқа шаклдаги бирлашмалари тузилиши ва ишлаши мумкин. Улар бошланғич партия ташкилотлари бўлмай, партиянинг дастурий йўл-йўриқларига асосланиб, турли масалаларни муҳокама қиладилар ва бу масалалар юзасидан ўз нуқтаи назарларини ишлаб чиқадилар, ҳар қандай поғонадаги партия комитетларининг муҳокамасига таклифлар ва лойиҳалар киритадилар.

Ўзбекистон Компартияси ташкилотларида партия сиёсати ва фаолиятининг энг муҳим муаммоларини муҳокама қилиш даврида коммунистлар муҳокама этилаётган ҳужжатлар (ҳаракат дастурлари)нинг ўз лойиҳаларини биргаликда ишлаб чиқиш учун гуруҳларга бирлашишлари мумкин, бу гуруҳларнинг ички интизомга эга бўлган ташкилий тузилмалар (фракциялар) тарзида шаклланиши истисно этилади. Тузилган фракциялар тарқатиб юборилиб, унга кирган партия аъзолари аттестация қилиниши лозим.

### БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ

23. Бошланғич партия ташкилотлари камида уч партия аъзоси бўлган тақдирда, уларнинг ташаббусига биноан ёки тегишли район, шаҳар партия комитетининг таклифига биноан, улар йиғилишининг қарори билан тузилади. Уларни рўйхатга олиш масаласини район, шаҳар партия комитетининг бюроси ҳал қилади.

**Ишлаб чиқаришдаги бошланғич партия ташкилотлари** битта меҳнат жамоасида ёки битта шаҳар, район ҳудудида жойлашган меҳнат коллективларининг ишлаб чиқариш ёки бошқа бирлашмасида ишлаб турган коммунистларни бирлаштириш йўли билан тузилади.

**Ҳудудий бошланғич партия ташкилотлари** мазкур ҳудудда яшаб турган коммунистларни бирлаштириш йўли билан ҳам, шунингдек манзилгоҳ, маҳалла ёки даҳа ичидаги партия ташкилотларини бирлаштириш йўли билан ҳам тузилиши мумкин.

Бошланғич партия ташкилоти ўз таркибида партия гуруҳларини ва цех партия ташкилотларини тузиши мумкин. Унинг йиғилиши қарорига мувофиқ партия гуруҳларига ва цех партия ташкилотларига партияга аъзолик билан боғлиқ бўлган масалаларда бошланғич ташкилот ҳуқуқи берилиши мумкин. Бундай ҳуқуққа эга бўлмаган цех партия ташкилотлари ва партия гуруҳлари бошланғич партия ташкилоти йиғилишининг қарорида уларга берилган ваколатлар доирасида ишлайдилар.

Ишлаб чиқаришдаги бошланғич партия ташкилотларида **ҳудудий цех партия ташкилотлари ёки партия гуруҳлари тузилиши мумкин.**

Бошланғич партия ташкилотлари ўз фаолиятининг аниқ вазифаларини ва шарт-шароитларини эътиборга олиб, Дастур ва Устав қоидаларига биноан партияга қабул қилиш ва унга аъзоликни тўхтатиш, ўз тузилишини, иш йўналишини ва услубларини, партия йиғилишлари, сиёсий тадбирлар ўтказиш даврийлиги ва тартибини, молиявий-хўжалик фаолиятини белгилаш масалаларини мустақил равишда ҳал қиладилар, совет, хўжалик ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро муносабатни йўлга қўядилар.

Бошланғич партия ташкилотлари партия қарорларини тарғиб қиладилар ва амалга оширадилар, меҳнат жамоаларида ва аҳоли орасида партиянинг сиёсий йўлини ўтказишда барча поғоналардаги партия комитетларига кўмаклашадилар, партиянинг мафкуравий, сиёсий ҳамда ташкилотчилик вазифаларини рўёбга чиқарадилар, иқтисодий ва социал вазифаларнинг ҳал этилишига таъсир ўтказадилар, ижтимоий адолатни қаттиқ туриб ҳимоя қиладилар.

Бошланғич партия ташкилотлари партия съездларини, конференцияларини, партия комитетларининг ва назорат комиссияларининг пленумларини тайёрлаш пайтида ҳужжатларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш, ҳар қандай партия органининг қарорига ўз муносабатини билдириш ҳуқуқига эгадирлар, мазкур партия органи масаланинг моҳияти юзасидан жавоб қайтаришга мажбурдир. Бошланғич партия ташкилотлари ўз ҳисобида турадиган ёки ўзи партия органларига тавсия этган коммунистларни барча поғоналардаги партия органларининг таркибидан чақириб олиш тўғрисида таклиф киритишлари мумкин.

24. Бошланғич партия ташкилотининг партия йиғилиши мазкур ташкилотнинг раҳбар органидир, партия йиғилиши, зарурат туғилганда қараб, бироқ камида уч ойда бир марта чақирилади. Умумий партия йиғилишини ўтказишнинг иложи бўлмаган тақдирда партия конференциялари чақирилиши ёки ягона кун тартиби билан цех партия ташкилотларида ва партия гуруҳларида йиғилишлар ўтказилиши мумкин.

Бошланғич партия ташкилоти таркибида бошланғич ташкилот ҳуқуқига эга бўлган цех ташкилотлари мавжуд бўлган тақдирда унинг йиғилиши (конференцияси) кундалик ишни бошқариш учун икки-уч йилга партия комитети ва унинг котибини, бошқа ҳамма ҳолларда партия бюросини сайлайди. 15 нафар ва ундан кўпроқ партия аъзоси бўлган бошланғич партия ташкилотларида коммунистларнинг фикрига кўра, назорат комиссиялари сайланиши мумкин.

Ҳисобида 15 нафардан камроқ партия аъзоси бўлган бошланғич ва цех партия ташкилотлари, одатда, ўз таркибида ички тузилма бўғинларини вужудга келтирмайди. Кундалик ишни бошқариш учун уларда йиғилиш белгилайдиган муддатга ва тартибга биноан партия ташкилотининг котиби ва унинг ўринбосари, партия гуруҳларида — партия гуруҳи ташкилотчиси сайланади.

### ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ РАЙОН, ШАҲАР ТАШКИЛОТЛАРИ

25. Бошланғич ташкилотларни бевосита бирлаштирувчи район ва шаҳар партия ташкилотлари Ўзбекистон Коммунистик партиясининг таянч бўғинларидир.

Район, шаҳар партия ташкилотининг раҳбар органи — партия конференциясидир. Навбатдаги район, шаҳар партия конференциялари тегишли район ва шаҳар партия комитетлари томонидан 5 йилда бир марта чақирилади.

Район, шаҳар партия комитетининг қарорига, тегишли назорат комиссияси ёки юқори партия комитетининг таклифига, мазкур ташкилотнинг камида учдан бир қисмини бирлаштирувчи партия ташкилотларининг талабига биноан навбатдан ташқари партия конференцияси чақирилади.

Район, шаҳар партия конференцияси район, шаҳар партия комитетини, шунингдек назорат комиссиясини 5 йил муддатга сайлайди, уларнинг ҳисоботларини эшитади, фаолиятига баҳо беради, бошланғич партия ташкилотларининг фикрини ҳисобга олиб, район, шаҳар партия ташкилоти ишининг асосий йўналишларини белгилайди.

Район, шаҳар партия комитети конференциялар оралиғидаги даврда конференциялар томонидан берилган ваколатлар доирасида район, шаҳар партия ташкилотининг вакили бўлиб, ўзига қарашли органларнинг ишига раҳбарлик қилади ва бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириб туради, улар билан биргаликда меҳнат коллективларида ва фуқаролар яшайдиган жойларда партия сиёсати ва қарорларини амалга ошириш соҳасидаги ишларни ташкил қилади, аниқ ижтимоий-иқтисодий, маданий ва бошқа муаммоларни ишлаб чиқади, уларни жамоатчилик ва маҳаллий ҳокимият органлари муҳокамасига қўяди ва амалга оширишга кўмаклашади. Ўз ваколатига кирувчи масалаларни, яъни кадрлар, структура, бюджет-молия масалаларини бошланғич партия ташкилотлари билан биргаликда ҳал қилади.

Район, шаҳар партия комитетларининг пленумлари зарур ҳолларда, аммо ярим йилда камида бир марта чақирилади. Зарурат туғилганда район, шаҳар комитетларининг ва тегишли назорат комиссияларининг қўшма пленумлари чақирилиши мумкин.

Район, шаҳар партия комитетининг пленуми бошланғич партия ташкилотининг фаолияти Ўзбекистон Компартияси Уставининг талабларига зид келган ҳолларда бу ташкилотни тарқатиб юбориш ҳақида қарор қабул қилиб, сўнгра унинг аъзоларини аттестациядан ўтказиш ҳуқуқига эга.

Район, шаҳар партия комитети бошланғич ташкилотларнинг фикрларини ҳисобга олиб, пленумда ўз таркибидан бюро сайлайди, конференциялар оралиғидаги даврда эса конференциялар томонидан берилган ваколатларга биноан айни вақтда район, шаҳар партия комитети бюросининг аъзолари бўлган котибларни сайлайди.

Бюро район, шаҳар партия комитети пленумларининг ва юқори партия органларининг қарорлари ижросини ташкил қилади, шу мақсадда бошланғич партия ташкилотларининг ва район, шаҳар партия комитети комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб туради, комитет аппаратининг ишига раҳбарлик қилади. Бюро бошланғич партия ташкилотларини рўйхатга олиш ҳақида қарор қабул қилади, энг йирик бошланғич партия ташкилотларининг партия комитетларига уларнинг розилиги билан коммунистларни ҳисобга олиш масалаларида район партия комитети ҳуқуқини бериш ҳақидаги таклифларни юқори партия комитетига ҳавола қилади. Бюро ҳар йили ўз фаолияти тўғрисида тегишли партия комитетининг пленумида ҳисобот бериб туради.

Район, шаҳар партия комитетининг бюроси бошланғич партия ташкилотининг қарорига далиллар асосида рози бўлмаслик, бу қарор партия Дастури ва Устави қоидаларига зид бўлса, уни бекор қилиш ҳуқуқига эга.

Район, шаҳар партия комитетларида коммунистлар ҳисобга олиб борилади.

### ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ЖУМҲУРИЯТ ТАШКИЛОТИ, ВИЛОЯТ ТАШКИЛОТЛАРИ

26. Ўзбекистон Компартиясининг Қорақалпоғистон жумҳурият ташкилоти Ўзбекистон Компартияси сиёсати доираларида иш олиб борар экан, у Қорақалпоғистон МССЖ давлат қурилиши, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланиши масалаларида ўз сиёсий йўлини мустақил равишда белгилайди. Муҳтор жумҳурият доирасида ўзи қабул қилган қарорлар ва юқори партия органларининг қарорлари бажарилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Марказий назорат комиссиясини сайлаш чоғида Қорақалпоғистон жумҳурият партия ташкилоти учун унинг шу органларда мутаносиб ваколатини таъминлайдиган ҳиссаси белгиланади. Қорақалпоғистон жумҳурият партия комитетининг биринчи котиби Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ва Марказий Комитет бюросининг таркибига киради.

Вилоят партия ташкилотлари вилоят доирасида партия сиёсатини амалга ошириш юзасидан иш олиб борадилар, ўзлари қабул қилган қарорларнинг ҳамда юқори партия органлари қарорларининг бажарилишини таъминлайдилар.

Қорақалпоғистон жумҳурият ташкилотининг, вилоят партия ташкилотларининг раҳбар органи — партия конференциясидир. Навбатдаги конференциялар тегишли партия комитети томонидан 5 йилда бир марта чақирилади.

Партия комитетининг қарорига, тегишли назорат комиссиясининг ёки Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг таклифига биноан, мазкур ташкилот аъзоларининг камида учдан бир қисмини бирлаштирувчи партия ташкилотларининг талаби билан навбатдан ташқари партия конференцияси чақирилади.

Қорақалпоғистон жумҳурият партия конференцияси, вилоят партия конференцияси 5 йил муддатга тегишли партия комитетини, шунингдек назорат комиссиясини сайлайди, уларнинг ҳисоботларини тинглайди, ҳисоботлар юзасидан қарорлар қабул қилади, уларнинг фаолиятига баҳо беради.

Тегишли партия комитетларининг конференциялари, шунингдек, зарур деб топилганида, лекин ярим йилда камида бир марта чақириладиган пленумлари партия ташкилотларининг фикрини ҳисобга олиб, ўз ҳудудидаги сиёсий, миллий, ижтимоий, иқтисодий, экологик, маданий-маънавий муаммоларни ҳал этиш дастурларини ишлаб чиқадилар ҳамда давлат ҳокимияти органларига ва аҳолига тақдим қиладилар. Конференция ва пленумларда партия ички турмуши, кадрлар иши, партия ташкилотларининг тузилиши ва бюджети, нашриёт ва молия-хўжалик фаолияти масалалари муҳокама қилинади. Зарур бўлганида тегишли партия комитетлари ва назорат комиссияларининг қўшма пленумлари чақирилиши мумкин.

Қорақалпоғистон жумҳурият, вилоят партия комитетлари конференциялар оралиғидаги даврда уларга конференциялар томонидан берилган ваколатлар доирасида тегишли партия ташкилоти манфаатларини ҳимоя қиладилар, ўзига қарашли органлар ишига раҳбарлик қиладилар ва район, шаҳар партия ташкилотларининг жорий ишларини мувофиқлаштириб турадилар.

Қорақалпоғистон жумҳурият, вилоят партия комитетлари пленумларда ўз таркибидан бюро сайлайдилар, конференциялар оралиғидаги даврда эса конференциялар томонидан берилган ваколатлар асосида айни вақтда партия комитети бюросининг аъзоси бўлган котибларни сайлайдилар.

Бюро тегишли партия комитети пленумлари ва юқори партия органлари қарорларининг бажарилишини ташкил қилади, шу мақсадда район, шаҳар партия ташкилотлари ва партия комитети комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштиради, комитет аппаратининг ишига раҳбарлик қилади.

Бюро энг йирик бошланғич партия ташкилотларининг партия комитетларига уларнинг розилиги билан, шунингдек тегишли район, шаҳар партия комитетининг фикрини ҳисобга олиб, коммунистлар ҳисобини юритиш масалаларида район партия комитети ҳуқуқини беради. Бюро ўз фаолияти ҳақида ҳар йили тегишли партия комитетининг пленумида ҳисобот беради.

Қорақалпоғистон жумҳурият, вилоят партия комитетлари қабул қилинадиган қарорлар ижросини ташкил этиш ҳамда тегишли партия комитетлари аппаратига раҳбарлик қилиш учун ўз пленумининг қарорига биноан котибият тузишлари мумкин.

### ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ РАЙОН, ШАҲАР, ВИЛОЯТ, ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ЖУМҲУРИЯТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ НАЗОРАТ КОМИССИЯЛАРИ

27. Район, шаҳар, вилоят, Қорақалпоғистон жумҳурият партия ташкилотларининг назорат комиссияси бошланғич партия ташкилотлари тавсия этган коммунистлар орасидан сайланади. Назорат комиссиясининг аъзолари тегишли партия комитети аппаратида ишлашлари мумкин эмас.

(Давоми учинчи бетда).

